



Аллоҳумма баъид байнии ва байна хотойаайаа камаа баъадта байналмашриқивалмағриб

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда (тахрима) такбир айтганларида қироат қилишдан олдин бироз жим турардилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, ота-онам фидойингиз бўлсин, айтинг-чи, такбир билан қироат ўртасида жим турганингизда нима дейсиз?» дедим. У зот шундай дедилар: «Аллоҳумма баъид байнии ва байна хотойаайаа камаа баъадта байналмашриқивалмағриб Аллоҳумма баъид байнии ва байна хотойаайаа камаа юнаққоссавбул абыд минадданас, Аллоҳуммағсилни мин хотойаайаа биссалжи валмаъи валбарод». Маъноси: Эй Аллоҳим, мен билан хатоларим орасини мағриб билан машриқ ўртасини узоқ қилганинг каби йироқ эт. Эй Аллоҳ! Оппоқ либос кирликдан тозалангани каби мени ҳам хатоларимдан тоза эт. Эй Аллоҳ! Мени хатоларимдан қор билан, сув билан ва дўл билан юв-покла!

[Саҳих] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга такбир айтгач Фотиҳани ўқишдан олдин озгина сукут сақлар эдилар. Баъзи дуолар билан намозларини бошлар эдилар. Ворид бўлган дуолардан: «Аллоҳумма баъид байнии ва байна хотойаайаа камаа баъадта байналмашриқивалмағриб* Аллоҳумма баъид байнии ва байна хотойаайаа камаа юнаққоссавбул абыд минадданас, Аллоҳуммағсилни мин хотойаайаа биссалжи валмаъи валбарод». У зот Аллоҳ таолодан машриқ ва мағриб учрашмагани каби хатоларга йўлиқмаслик учун улар ва хатолар ўртасини ўшанчалик узоқлаштиришини, агар улардан хато содир бўлса, оқ кийимдан кир ўчирилгандай ўчиришини ваювишини ҳамда унинг алангасини ва иссиғини ях, қор ва сув каби тозаловчи нарсалар билан тозалашини сўраб дуо қилар эдилар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3104>

